



Олий Мажлис
Қонунчилик палатасида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

САРҲИСОБ ВА ҒАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

Парламент комиссияси раиси А.Саидов ва бошқалар мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга катта эътибор қаратилётганини таъкидлади. Бу жараёнда оммавий ахборот воситаларининг роли кучайтирилиб, давлат бошқаруви органлари фаолияти очиклигини таъминлашнинг янги механизмлари жорий этилаётди.

Йиғилишда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан 2016 йилда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботлар тингланиб, уларнинг кейинги фаолияти устувор вазифалари белгилаб олинди.

Фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишида фуқаролик институтлари, ННТ роли ва ўрнини кучайтириш, ОАВни демократлаштириш ва диверсификациялаштириш, мамлакатни демократик янгилашда сиёсий партияларнинг, демократик ислохотлар жараёнида ёшлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш мақсадида марказ ва чекка ҳудудларда 4 минг 200 дан ортиқ тадбир ўтказилган. 2016 йилда институт мутахассислари 50 дан ортиқ қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этган.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасига 2016 йилда 150 миллион сўм миқдорда субсидия ажратилгани ҳақида маълумот берилди. Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, мамлакатда олиб борилаётган ислохотларнинг очиклиги ва ошқоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг роли ва масъулиятини кучайтириш, соҳа ходимларининг замонавий билим ва касб маҳоратини оширишга доир фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан 2016 йилда 21 лойиҳа фаолияти мувофиқлаштирилди, — дейди ассоциация раиси Ф.Абдухаликов. — Ушбу лойиҳалар ассоциацияга аъзо ҳудудий телерадиостанцияларга ҳуқуқий маслаҳат кўрсатиш, ОАВ фаолиятига оид қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ва бу жараёнда нодавлат телерадиозатувчилар манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган. Нодавлат телерадиостанциялар эфир дастурларини ижтимоий, маданий-маърифий, мусиқий, кино-видео медиа маҳсулотлар билан бойитиш, ассоциацияга аъзо нодавлат телерадиозатувчилар ходимларининг профессионал маҳоратини ошириш ва уларни моддий рағбатлантириш, турли фестиваллар, кўрик-танловлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилган.

Г.САТТОРОВА,
ЎЗА мухбири.

Ҳар бир
лойиҳа
турмуш
фаровонлигига
хизмат
қилади

2

Бошланғич ташкилот — асосий таянч

ПАРТИЯМИЗ АЪЗОЛАРИ ФАОЛЛИГИ ОШМОҚДА



Сингар ШОТЎЛАНОВ олган сурат.

Яккасарой туманида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 74 бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Улар ўз сафига 2700 нафарга яқин аъзони бирлаштирган. 3-сонли шаҳар юқумли касалликлар шифохонасидаги бошланғич партия ташкилоти энг

намунали қўйи бўғинлардан бири ҳисобланади.

Бу ердаги ишчи-ходимларнинг 60 нафари партиямизга аъзо бўлган. Улар партиямиз гоёларини тарғиб қилиш, Сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифалар, хусусан, она

ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳоли тиббий маданиятини оширишга бағишланган тарғибот ишларида фаол иштирок этмоқда.

Суратда: Бошланғич ташкилот аъзолари навбатдаги вазифаларни муҳофама этишмоқда.

Савол ва жавоб

КАСАНАЧИЛАР ВА ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР УЧУН

кенг имкониятлар яратилмоқда



Бу йил касаначи сифатида иш бошламоқчиман. Шу масалада қандай янгилик ва қулайликлар бор?

Ирода Йўлдошева,
тикувчи (Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани).

Феруза Эшматова,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
ЎЗХДП фракцияси аъзоси:

— Жорий йил 24 май куни касаначиликни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида Президент қарори қабул қилинди.

Ундан кўзланган асосий мақсад касаначиликни янада ривожлантириш, замонавий машина, асбоб-ускуналар, хомашё ва материалларни харид қилиш учун молиявий ресурслардан фойдаланишни кенгайтириш, шу орқали оила бюджетлари даромадларини кўпайтиришдан иборат.

Қарорга кўра, касаначиларга замонавий машина, асбоб-ускуналар, хомашё ва материалларни харид қилиш учун заёмлар ажратилади. Бунда сотиб олинаётган товарлар қафилликка олинади.

2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб касаначилар учун жисмоний шахсларга қўлланадиган даромад солиғи қатъий 7,5 фоиз миқдорда белгиланади.

Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банк, Молия вазирлиги ва тижорат банкларининг Тошкент шаҳрида тижорат банклари томонидан «Касаначиликни қўллаб-қувватлаш бўйича Консорциум» масъулияти чекланган жамиятини 50,0 миллиард сўмлик бошланғич устав капитали билан ташкил этиш белгиланди.

Консорциум замонавий машина, асбоб-ускуналар, хомашё ва материалларни харид қилишга касаначи ва касана маҳсулотларини ишлаб чиқишга буюртма берувчи корхоналарга заёмлар ажратади. Уй шароитида маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар) ишлаб чиқариш учун маркетингни амалга ошириш ва буюртмачиларни топиш, касаначи ва касана маҳсулотларини ишлаб чиқаришга буюртма берувчи ташкилотлар ўртасида ўзаро алоқалар ўрнатишни таъминлаш бўйича Тошкент шаҳрининг барча туманларида филиалларини ташкил этади.

Бундан ташқари, қарорда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига ҳам бир қатор вазифалар юклатилган. Шунга мувофиқ, улар касаначилар билан корхоналар ўртасида ўзаро иқтисодий ҳамкорлик борасидаги, шу жумладан, корхоналар буюртмаларини ўйиш шароитларида бажариш истагини билдирувчи маҳаллалар аҳолисини аниқлаш керак. Аҳоли орасида касаначиликнинг афзалликларини тушунириш бўйича жадал тарғибот ишлари олиб борилади.



Мамлакатимизда ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси ташкил этилганини эшитдим. Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз...

Фарҳод Мираҳмедов,
тадбиркор (Тошкент вилояти, Қўрай тумани).

Асом Зоҳидов,
халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши
депутати, ЎЗХДП гуруҳи аъзоси:

— Президентимизнинг «Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида уюшма ташкил этилди.

Маҳаллий табиий иқлим шароитларида мослаштирилган ёнғоқнинг серхосил замонавий плантацияларини яратиш, шунингдек, ёнғоқ етиштиришнинг илмий асосланган усулларини ва ресурсларни тежовчи технологияларни кенг жорий этиш бўйича қабул қилинган дастурларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш уюшманинг асосий вазифалари этиб белгиланган.

Шунингдек, уюшма республика ҳудудларида ёнғоқ ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш чораларини кўриш, маҳсулотни сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, экспорт ҳажмини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

Республика ҳудудларининг табиий иқлим шароитларида мос келишини инобатга олган ҳолда, ёнғоқнинг серхосил ниҳолларини лаборатория шароитларида етиштиришни ташкил этиш, ишлаб чиқилган инновациявий технологияларни ёнғоқ етиштириш жараёнига жорий қилиш учун илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ҳам унинг вазифасига қиради.

Уюшма, шунингдек, ёнғоқ қўчатларини парвариш қилишга жалб этиладиган агрономларни ёнғоқ плантацияларида агро-техник тадбирларни тўғри ўтказиш бўйича ўқитиш учун махсус тайёрлов курсларини ҳам ташкил этади.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Лазиза ШЕРОВА ёзиб олди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги фармонида мувофиқ соҳада туб ислохотлар амалга оширилмоқда.

СУДЬЯЛАР ҚАСАМЁД ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Шу асосда 2017 йил 1 июндан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди бирлаштирилиб, фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилди.

Янги иш бошлаган Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг қарорига мувофиқ биринчи маротаба лавозимга тайинланган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, шаҳар ва туман судлари судьяларининг қасамёд қабул қилиш маросими ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси К.Комилов ва бошқалар мамлакатимизда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш йўлида туб ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Судлар фаолияти самарадорлиги ва нуфузини ошириш мақсадида суд тузилмаси ҳамда судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тизими такомиллаштирилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2017 йил 7 июндаги қарори билан илк бор беш йиллик муддатга судьялик лавозимига тайинланган 15 судьянинг қасамёди эшитилди.

«Мен зиммамга юклатилган вазифаларни ҳалол ва виждонан бажаришга, одил судловни фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширишга, судьялик бурчим ва виждоним буюрганидек беғарам, ҳолис ва адолатли бўлишга тантанали қасамёд қиламан!»

Халқимиз манфаатларига мос бўлган, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга замин яратувчи, адолатли ҳуқуқий давлатнинг зарурий шарти акс этган бу қасамёдни ҳар бир судья зиммасига юкланаётган юксак масъулиятни ҳис этган ҳолда ҳаяжон билан қабул қилди.

— Давлатимиз байроғи остида тантанали равишда қасамёд қабул қилиш ҳаётимизда энг унутилмас кун бўлди, — дейди Жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти Норин тумани судининг раиси Жасурбек Курбанов. — Бу юксак шараф бўлиши билан бирга, улкан масъулият ҳамдир. Иш фаолиятимизда қасамёдга содиқ ҳолда фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда фақат адолат мезонига таянамиз.

— Ўғлимнинг судьялик қасамёдини эшитиб турганимизда ўзимни дунёдаги энг бахтли оналардан бири деб ҳис этдим, — дейди наманганлик Мушарраф Собирова. — Чунки фарзанд камоллини кўриш, унинг халқ манфаати йўлида масъулиятли вазифага киришишига гувоҳ бўлишни ҳамма она орзу қилса керак. Мен фарзандим ўз қасамёдида содиқ қолишига, Ватанимиз равнақи, халқимиз манфаати йўлида фидойилик билан хизмат қилишига ишонаман.

Қасамёд қабул қилган судьяларга гувоҳнома ва «Судьялар одоб-ахлоқи қоидалари» китоби топширилди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

ФИЖДУВОН:

ЭРКИН
ИҚТИСОДИЙ
ЗОНА

янги иш ўринлари очилиши,
бандлик муаммоси ечими
ва вилоят иқтисодиёти
юксалишига хизмат
қилади

3

ҲАР БИР ЛОЙИҲА ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Шу йилнинг 17 май куни Президентимиз Сирдарё вилоятига ташриф буюриб, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, янги лойиҳаларни ҳаётга татиқ қилиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, бандликни таъминлаш бўйича зарур кўрсатмалар берган эди. Орадан қарийб бир ой вақт ўтди. Ҳўш, белгилаб берилган вазифалар қай даражада ҳаётга татиқ этилмоқда? Вилоятдаги ўзгаришлар, ҳаётин лойиҳалар ҳақида Ўзбекистон Халқ демократик партияси етакчилари ва депутатларининг фикрлари қандай?

— Президентимиз Сирдарё вилоятига ташриф давомида барча соҳаларни ривожлантириш, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий аҳолини яхшилаш масаласига катта эътибор берди, — дейди Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси ва вазифасини бажарувчи Акмал Турсунбоев. — Мирзобод ва Сардоба ҳудудларида қуриб битказилган сув омбори билан таъминланди. Бу гидротанқит 922 миллион куб метр сув тўпланган. Бу эса вилоятдаги ерлардан унумли фойдаланиш, қишлоқ ҳўжалиги эканларининг ҳосилдорлигини оширишда кўп тармоқли фермер ҳўжаликлрининг такрорий экин экиб, қўшимча даромад топиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, учрашувларда сув омбори ёнида қуввати 15 мегаватт бўлган мини гидроэлектростанция қурилиши, бу электр энергия таъминотини яхшилаш имконини бериши таъкидланди.

Бундан ташқари, Сардоба мева-сбзавотлар логистика маркази ташкил қилиниши, мева-сбзавот этиштириш, саралаш, қадоклаш, музлатиш, қуриштиш ва етказиб бериш ишлари йўлга қўйилиши, шу

орқали 220 нафар иш ўрни яратилиши ҳаётин аҳамиятга эгалдир.

Учрашувлар давомида Ўзбекистон темир йўллари акциядорлик жамиятига қарашли «Сардоба темир йўл агросаноат мажмуаси» унитар корхонаси томонидан балиқчилик, чорвачилик, мева-сбзавотни қайта ишлаш, сут маҳсулотлари ва

қўзланган асосий мақсад ҳудуднинг саноат салоҳиятини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини такомиллаштириш ва рағбатлантириш, замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳисобланади. Шунингдек, хорижий инвестицияларни кенгроқ жалб этиш ҳамда ички ва ташқи бозор учун рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қўлай шарт-шароитлар яратишдир. Бунинг натижасида вилоятда тўқимачилик, чарм-пойабзал, кимё, озиқ-овқат, электротехника саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ривожланади, 3200 дан зиёд янги иш ўрни яратилади.

Бир сўз билан айтганда, Президент ташрифидан сўнг вилоят аҳли кўнгли тоғдек

Ҳудудларда юз бераётган энг катта ўзгариш, аввало, одамларнинг дунёқараши, ҳаётга бўлган муносабатида намоён бўлаяпти.

омихта ем ишлаб чиқаришга ихтисослашган лойиҳалар билан ҳам таъминланган эди. Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш кўплаб янги иш ўринлари яратилиши, фуқароларимиз, айниқса, коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлашга хизмат қилади.

Президентимизнинг 2017 йил 30 мартдаги қарорига асосан Янгйер шаҳрида кичик саноат зонаси ташкил этилиши режалаштирилган. Бундан

кўтарилди, улар катта ўзгаришларга ишониб, меҳнат қиляпти. Бунга асос бор. Дарҳақиқат, ҳаётга татиқ этилалган лойиҳалар аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш орқали кўплаб иш ўрни яратиш каби эзгу мақсадларга хизмат қилади.

— Вилоятимизда катта ўзгариш ва янгиланишлар даври бошланди. Очиғини айтишим

керак, ҳаёт синовларини кўрган инсон сифатида бутун олдимизга қўйилаётган талаб ва вазифалар қанчалик муҳимлигини ҳис қиламан, — дейди халқ депутатлари Мирзобод туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Жумабой Отаханов. — Шу боис, халқимиз ислохотларни жипслик, ҳамжиҳатлик ва яқдиллик билан қўллаб-қувватламоқда.

Тўғри, инсон яшар экан, турмушда турли муаммолар, қийинчиликлар бўлади. Бу камчиликларни бирданига бартараф этиш осон эмас. Аммо ҳаракат қилинмаса, муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлиб қолмайди. Энг асосийси, одамлар йўллар таъмирланаётгани, ичимлик суви таъминоти яхшиланаётгани, табиий газ босимини яхшилаш бўйича қилинаётган хайрли ишларни кўриб, билиб турибди. Шу нарса аҳолининг эртанги кунга ишончини оширади.

Айниқса, кам таъминланган оилаларга ажратиб берилаётган кредитлар — бу оилаларнинг жамиятда ҳеч кимдан кам бўлмасдан ўз ўрнини топиб олишига ёрдам эмасми? Шундай, албатта.

Вилоятимизда ҳудудларда юз бераётган энг катта ўзгариш, аввало, одамларнинг дунёқараши, ҳаётга бўлган муносабатида намоён бўлаяпти, деб ўйлайман.

— Шахримиздаги «Намуна» маҳалласи фаоллари билан учрашувда маҳалла фуқаролар йиғинлари олдида қўйилаётган юксак вазифалар, жамоатчилик назоратини амалга оширишда уларнинг ўрнини кучайтириш, айниқса, кекса авлод вакиллрининг тажрибаларидан самарали фойдаланиш, ёшлар ўртасида

китобхонликни тарғиб қилиш борасида сўз юритилган эди, — дейди халқ депутатлари Гулистон шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Норой Дўстмуродова. — Бугунги кунда учрашувда белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, маҳалла фаоллари иштин рокида турли таъсирчан учрашув ва мулоқотлар ўтказаямиз. Ёшларни турли диний оқимлар, «оммавий маданият»нинг зарари таъсирларидан асраш борасида тушунтириш, тарғибот ишлари олиб боришмоқда.

Кўпчилики мамнун этаётган яна бир масала — бу Гулистон шаҳрида сизот сув сатҳини пасайтириш ишлари олиб боришмоқда. Шаҳарга ўтиладиган автомобиль кўприги таъмирланмоқда. Ташкент қўчаси кенгайтирилиб, атрофида кўп қаватли уйлар қурилиши режалаштирилмоқда. Ўзбекистон ва Мустақиллик қўчалари оралига маланий марказ барпо этилиши, Хотира майдони, замонавий амфитеатр ва вилоят театрининг янгиланган биноси, китоб дўкони қуриш ва бу ердаги маъмурий бинолар билан уйғунлаштириш кўзда тутилган.

Бутун вилоятда амалга оширилаётган барча ишлар, аввало, аҳолининг ижтимоий ҳимоясига, турмуши сифатини оширишга қаратилган. Шунинг учун ҳам бу ислохотлар одамлар муносиб ҳаёт кечириши, ҳеч кимдан кам бўлмаслиги учун қилинаётганини партия фаоллари, депутатлар аҳолига кўпроқ тушунтириши, улар ижросида фаол қатнашиши талаб этилади.

Нурали ОРИПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗХДП ҳаётиндан

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари ҳудудларда турмуш даражасини юксалтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишиб қайтишди.

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Депутат ва сенаторлар ҳудудларнинг ўзига хос муҳити, ютуқ ва камчиликлари, муаммоларини атрофича таҳлил қилган ҳолда маҳаллий ҳокимликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари билан ҳамкорликда чора-тадбирлар кўрмоқда.

Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси Аксавли Тумишова «Янгйқазғон» маҳалласи «Дўнгелек» овулида учрашув ўтказди. Аҳоли билан ўтказилган юзма-юз мулоқотларда асосан иш билан таъминлаш, тиббий хизмат сифати, таълим муассасалари, тижорат банклари фаолияти, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш ҳолатлари билан боғлиқ бир қатор ижтимоий, иқтисодий муаммолар ўртага ташланди.

Тегишли ишчи гуруҳи аъзолари ҳар бир мурожаатни чуқур ўрганиб, уларни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакиллари иштин рокида ҳал этиш чораларини кўрмоқда.

«Дўнгелек» овулида яшовчи Сундет Журумбаев мурожаатига асосан ҳудудга «Uzmobile» антеннаси ўрнатилганидан бўлди. 27 мактаб бугунги кунда таъмирталаб ҳолатга келиб қолганлиги ва овулдаги янгидан қурилаётган уйлар учун қўшимча трансформатор ўрнатиш ҳақидаги мурожаатлар ҳам тегишли ташкилотларга ҳал этиш учун тақдим этилди.

Оразбай РИСБЕКОВ,
Конимех туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари.

ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ҲАММАМИЗГА БОГЛИҚ

Шароф Рашидов туман партия кенгаши «Зиёкор» қишлоғида қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш масалаларига бағишлаб тадбир ўтказди.

Таъкидландики, туман ички ишлар бўлими ва жамоатчилик сый-ҳаракати билан жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш бўйича бир қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда. Афсуски, баъзи жойларда ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларга барҳам бериш, энг аввало, уларнинг профилактикасини самарали ташкил этиш масаласида етарлича иш қилинмаётир.

Профилактика инспектори, майор Ойбек Дувланов маҳалла фуқаролар йиғинлари ва посбонларининг ички ишлар ходимлари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлади. Айрим ҳудудларда профилактика тадбирларини ташкил этишда суствашиликка йўл қўйилаётгани танқид остига олинди.

— Ҳозирги пайтда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш долзарб масалалардан биридир, — деди «Жиззахлик» маҳалласи фаоли Дилбар Саидова. — Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлашимиз ва бартараф этишимиз керак.

Тадбирда иштирок этган ёшлар ҳам мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Ҳаёт ҲИДИРОВ

ҲАР БИР ИНСОНГА МЕҲР-МУРУВВАТ КўРСАТИШ — БУРЧИМИЗ!

ХДП Иштихон туман партия кенгаши депутатлар билан ҳамкорликда «Бахрини», «Сафохўжа», «Иштихон», «Чинортепа» маҳаллаларида ногирон хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига бағишлаб «Ҳар бир инсонга меҳр-мурувват кўрсатиш бурчимиздир!» лойиҳаси доирасида тадбир ўтказди.

Ҳудуддаги ногирон аёллар ҳолидан хабар олинди. Рисолат Суянова, Чиннигул Исмомова, Хосият Маматова, Баҳора Равшанованинг хонадонларида самийий сўхбатлар ўтказилди. Уларни ўйлантираётган масалаларни ҳал қилиш бўйича тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Бундай тадбирлар бошқа туманларда ҳам ўтказилмоқда.

Ойўла АБДУРАИМОВА,
ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши сектор мудири.

Маҳаллий партия ташкилотларида

Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари томонидан Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи йўналиши — қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш борасидаги вазифаларнинг партия электроти манфаатларини таъминлашдаги аҳамияти хусусида ўқувлар ташкил этилмоқда.

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ТАРҒИБОТИДА

фаол иштирок этиш талаб
этилади

Ўзбекистон ХДП Термиз туман кенгашида бошланғич партия ташкилотларининг Ҳаракатлар стратегияси тарғиботидаги ўрни ва аҳамияти масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Туман кенгаши раиси Тўрабек Зоиров ўз сўзида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш — ҳуқуқий демократик жамият қуришнинг асоси эканлигини таъкидлаб, жойларда ташкил қилинаётган тадбирларнинг самарадорлигини ошириш ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Қонунни билган одам ҳуқуқи поймол бўлишига йўл қўймайди, — дейди Термиз туманидаги ҳудудий бошланғич партия ташкилоти етакчиси Асқар Ражабов. — Шу боис, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш устувор вазифа ҳисобланади. Бу жараёнда сиёсий партиялар ва уларнинг барча даражадаги ташкилотлари фаол иштирок этиши талаб этилади. Қабул қилинаётган қонунлар, фармон ва қарорлар, меъёрий ҳужжатлар тарғиботини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Тадбирда ҳуқуқий саводхонликни янада ошириш, қонун ва қонунности ҳужжатлари мазмун-моҳиятини электротат вакилларига оддий ва содда тилда етказиш, бу ишларда бошланғич партия ташкилотларининг ўрнини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Сайфиддин ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши сектор мудири.

ЎЗХДП «Фаол аёллар» қаноти



ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШ — УСТУВОР МАСАЛА

Тошкент шаҳар партия кенгаши Тошкент халқаро Вестминстер университетида ўқув-семинар ўтказди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, партия Марказий Кенгаши ходимлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, «Фаол аёллар» қаноти аъзолари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Семинарда партия сафидаги хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва уларда етакчилик кўникмасини шакллантириш, ривожлантириш масалалари атрофича муҳокама этилди. Аҳоли орасига чуқур кириб бориш, уларни ўйлантираётган муаммоларни ўрганиш, юртимизда олиб борилаётган ислохотларни кенг тарғиб қилиш зарурлиги таъкидланди.

— Жойлардаги учрашув ва мулоқотларда хотин-қизларни ўйлантираётган муаммолар ўрганилмоқда, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Комила Каромова. — Айрим полилиникалардаги тиббий ускуналар экстринган. Аёлларни тиббий кўриқдан ўтказишда кийинчиликлар қузатиляпти. Оддий биокимёвий таҳлил учун кўп тармоқли полилиникаларга боришга тўғри келмоқда. Бандлик ва ижтимоий ҳимоя масалаларида ҳам

қилиниши керак бўлган ишлар анчагина. Муҳими шундаки, опа-сингилларимизда мурожаат қилиш маданияти ўсмоқда, муаммо юзасидан ўз тақлифларини ҳам билдиришмоқда. Ушбу вазиятда бизга катта масъулият юкланади. Шунинг учун «Фаол аёллар» қаноти етакчилари ўз устида ишлаши, сиёсий билимини мунтазам равишда ошириб бориши лозим бўлади.

ЎзХДП Марказий Кенгаши сектор мудири Гулшан Асатова, Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари Нилуфар Юлдашева, Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси Муқаддас Раҳматуллаева ушбу масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Шунингдек, тадбирда амалиётга татбиқ этилаётган лойиҳалар ва улардан кутилаётган натижалар таҳлил қилинди.

— Партиямиз Марказий Кенгаши томонидан долзарб лойиҳалар йўлга қўйилган, — деди Тошкент шаҳар партия кенгаши хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори мудири Гулҳеҳра Азизова. — Мазкур лойиҳалар давомида муаммолар аниқланиб, депутатлар ва ҳамкор ташкилотлар кўмағида ҳал этилмоқда. Масалан, «Ижтимоий ҳимоядан — ижтимоий фаоллик сари» лойиҳаси доирасида Тошкент шаҳрида 89 нафар хотин-қизнинг ишга жойлаштишга ёрдам берилди. «Ҳар бир инсонга меҳр-мурувват кўрсатиш бурчимиздир» лойиҳаси асосида 450 дан ортиқ ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд опа-сингилларимиз ҳолидан хабар олинди. Ўтказилаётган тадбирлар натижасида жорий йилнинг ўтган даврида 600 нафарга яқин хотин-қиз партиямиз сафига қабул қилинди. Жамоатчилик қабулхоналарига тушган мурожаатларнинг 88 фоизи ижобий ечим топди.

Семинар танқидий таҳлиллар, баҳс-мунозара асосида ўтди. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, имкониятлардан самарали фойдаланиш зарур, деган хулосага келинди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Партия фаоллари, депутатлар ўз бурчига, ҳаётга янгича қараб, фидойи бўлиб яшаш кераклигини тобора чуқурроқ тушуниб етмоқда.

Қарор ва ижро

Мамлакатимизда электр энергиясига талабнинг ортиб бориши ёқилги-энергетика ресурсларини тежаш масаласини кун тартибига қўймоқда.

ЧЎГЛАНМА ЛАМПАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЎХТАТИЛАДИ

Мамлакатимиз энергетика стратегиясининг муҳим вазифаларидан бири аҳолини ва иқтисодиётимизни энергетика ресурслари билан тўлиқ ва ишончли таъминлаш, шунингдек, энергия тежамкорлигини рағбатлантириш ҳисобланади. Бугунги кунда ёритиш тизимларида чўгланма лампалардан фойдаланиш аста-секин тўхтатилиб, люминесцент ёки светодиод лампалардан фойдаланишга ўтиломоқда.

Чўгланма лампалардан фойдаланиш — энергия тежамкорлик нуқтаи-назаридан бугун самарасиз амалиёт ҳисобланади. Чунки уларнинг фойдали иш коэффициенти 5 фоиздан камроқни ташкил этади. Бу электр энергиясининг 95 фоизи иссиқликка, 5 фоизга таъминлаш ёритишга сарфланишини аниқлатади. Норматив бўйича ишлаш муддати 1 минг соатга яқин.

Энергия тежайдиган лампаларнинг ишлаш давомийлиги чўгланма лампаларга нисбатан 10 баробарга кўпроқ бўлиб, ёруғлик самарадорлиги 4-5 баробар юқори. Агар ёритиш ускуналари энергия самарадорлиги кўрсаткичи чўгланма лампаларда 1 ватт электр қувватига 13 люмен/ваттдан кам бўлмаган миқдорни ташкил этса, люминесцент лампаларда 65 люмен/ваттни, светодиод лампаларда 110 люмен/ваттни ташкил этади.

Мамлакатимизда чўгланма лампаларни ишлаб чиқариш ва сотишни тўхтатиш, энергия сарфи ҳажмини қисқартириш борасида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Биринчи Президентимизнинг 2013 йил 1 мартдаги «Муқobil энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги фармони ва 2015 йил 5 майдаги «2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»-ги қарорига асосан 2016 йил якуни бўйича иқтисодиёт тармоқларида 2016/2017 йил куз-қиш мавсумида энергоресурсларни тежаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни ҳисобга олган ҳолда 1210,3 миллион кВт/соат электр энергияси ва 991,2 миллион куб метр табиий газни иқтисод қилишга эришилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида 2015 йилда ялпи ички маҳсулотнинг энергия сифими 10,8 фоизга, 2016 йилда 7,2 фоизга ва 2017 йилнинг биринчи чорагида 12,7 фоизга қисқаришига эришилди.

Иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сифimini қисқартириш, ишлаб чиқаришга энергияни тежайдиган технологияларни кенг жорий қилиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, меҳнат самарадорлигини ошириш яқин истиқболдаги вазифалар ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 26 майдаги «2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»-ги қарори бу борада муҳим дастуриламла бўлмоқда.

«Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти таркибидagi «EGL-NUR» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси маъсулияти чекланган жамияти мамлакатимизда светодиод лампалар ва ёритгичлар ишлаб чиқараётган йirik корхоналардан бири. Ушбу корхона Жанубий Кореянинг «EG Lighting» компанияси ҳамкорлигида 2013 йил декабрь ойида ташкил этилган бўлиб, «Ангрен» эркин иқтисодий зонасида жойлашган. Ҳозир бу ерда ушбу маҳсулотнинг бир неча тури ишлаб чиқарилаётган. Корхона ойига 200 минг дона светодиод лампа ва 1000 дона ёритгич ишлаб чиқариш қувватига эга.

Корхонада илғор технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга юқори сифати, энергия тежамкорлиги туфайли истеъмолчилар ўртасида талаб юқори. Ишлаб чиқарилаётган лампалар ҳар қандай иқлим шароитига чидамли, халқаро стандартларга мос, экологик жиҳатдан хавфсиз. Улар инсон саломатлиги учун мутлақо хавфсиз, зеро ультрафиолет ва инфракрасий нур таратмайди, таркибда оғир металл ва захарли моддалар йўқ. Корхона маҳсулотларидан мамлакатимиз шаҳарлари кўчаларида кенг фойдаланилмоқда.

Ишлаб чиқарилаётган ушбу тежамкор лампалардан фойдаланиш муддати 30 минг соатдан ортиқ. Бу оддий чўгланма лампадан 30 баробар кўп дегани. Оддий чўгланма лампага нисбатан 9-10 баробар кам энергия сарфлайди. Светодиод лампалар ҳисобидан ҳонадонларда энергия сарфи бир неча баробар камаймоқда. Бу аҳоли турмуш даражасини яхшилаш билан бирга, мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига ҳам хизмат қилади.

Қабул қилинган қарорнинг амалиётда изчил қўлланилиши нафақат ёритиш мақсадларида электр энергиясидан самарали фойдаланишни, балки маҳаллий корхоналарда энергияни тежайдиган лампаларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига янги иш ўринлари яратишни таъминлайди.

Нурилол НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири.

ФИЖДУВОН:

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНА

янги иш ўринлари очилиши, бандлик муаммоси ечими ва вилоят иқтисодиёти юксалишига хизмат қилади

Газетаимизнинг ўтган сонларида «Ўргут» ҳамда «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналари истиқболга бағишланган мақолалар эълон қилинган эди. Бугун эса «Ғиждувон» ЭИЗда имкониятлари, белги-ланган режалар ҳақида тўхта-ламиз.

Эркин иқтисодий зона барпо этилиши, аввало, Ғиждувоннинг эркин келажагини белгилаб берди. Бу эзгу мақсад ҳудуддаги ресурслардан самарали фойдаланиш, саноат ва экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш, замонавий, барқарор иш ўринлари барпо этиш, энг муҳими, аҳоли ҳаётини фаровонлаштиришга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

— Ғиждувон ўзининг лафзи пок, тадбиркор, уddaбурон, меҳнатсевар одамлари билан азал-азалдан ном қозониб келган, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, ЎзХДП аъзоси, машҳур зардўз Муяссар Темирова. — Айниқса, бу ерда зардўзлик касби жуда ривож топган. Умуман, зардўзлик уйда ўтирган хотин-қизлар, аёллар учун жуда ҳам қулай касб саналади. Авваламбор, улар иш билан таъминланади, рузгорини тебратди, шунингдек, бир вақтнинг ўзида уйда фарзанд тарбияси билан ҳам шуғулланиш имкониятига эга бўлади.


Бу ҳудудда ЭИЗнинг ташкил этилиши натижасида эндиликда халқаро миқёсда ҳам зардўзлар маҳсулотларига кўплаб харидорлар топилишига ишончим комил. Энг муҳими, янги иш ўринлари яратилди. Вақтинча ишсиз юрган ёшлар, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлиги таъминланади. Демак, эркин иқтисодий зонанинг ташкил этилишидан, аввало, партиямиз электорати манфаатдор бўлади. Шу боис, партиямиз фаоллари, депутатларимиз фармон ижросини таъминлашда фаол иштирок этиши лозим.

Дарҳақиқат, ЭИЗ ҳудудида 3 фармсаноат, 3 қурилиш, 3 энгил саноат ва пойабзал, 1 кимёсаноат, 2 электротехника маҳсулотлари, 3 мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган корхоналар бунёд этилади ҳамда 1300 дан ортиқ янги иш ўрни очилади.

Бухоро давлат университети доценти, иқтисод фанлари номзоди Ҳалим Ҳамроев шундай дейди:

— Эркин иқтисодий зона деганда, хорижий инвесторларнинг ўша ҳудудга эркин кириб келиши, хорижий технологияларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш корхоналарининг барпо этилиши, божхона муносабатларида эркинлик, солиқ соҳасида имтиёзларга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар мажмуи тушунилади. Уларда асосан замонавий халқаро андозаларга жавоб берадиган, асосий қисми экспорт қилишга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

ЭИЗ категориясининг энг кенг тарқалган ва тан олинган таърифи Киото конвенциясида 1973



йилда берилган эди: «Эркин иқтисодий зона мамлакат ҳудудининг бир қисми бўлиб, унга келтирилган товарлар божхона чегарасидан ташқарида, деб ҳисобланади. Демак, улар одатдаги божхона назорати, солиққа тортилмайди».

Айнан Ғиждувонда эркин иқтисодий зона ташкил қилини-шининг боиси туманда кўпгина

маҳсулотларини чукур қайта ишлаш бўйича замонавий корхона-лар яратиш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этишга қулай шароитларни юза-га келтиришдир, — дейди Иқтисодиёт вазирлигининг масъул ходими Ўткир Ҳамроев. — Бундан ташқари, халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, чет эл сармояси жалб қилинишига,

Дарҳақиқат, ЭИЗ ҳудудида 3 фармсаноат, 3 қурилиш, 3 энгил саноат ва пойабзал, 1 кимёсаноат, 2 электротехника маҳсулотлари, 3 мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган корхоналар бунёд этилади ҳамда 1300 дан ортиқ янги иш ўрни очилади.

маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун ҳомашё базаси мавжуд. Мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилади, уларни чукур қайта ишлаш, қадоклаш, сақлаш каби техноло-гик жараёнларни жорий қилиш, маҳаллий ҳомашё ҳисобидан қурилиш материаллари, озиқ-овқат саноатини ривожлантириш имкониятлари кенг. Қолаверса, маҳаллий ва хорижий инвесторларнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб этиш учун имкониятлар катта.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз ҳудудларида эркин иқтисодий зоналар ташкил этилиши натижасида кўплаб янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли бандлиги таъминланади. Республика-мизнинг экспорт салоҳияти оша-ди ва валюта тушуми кўнаяди. Ушбу валюта эвазига тадбиркор-ларда хориждан илғор техноло-гияларни келтириш имконияти пайдо бўлади.

— Янги эркин иқтисодий зона-лар ташкил қилишдан асосий мақсад ҳудудларда минерал-ҳомашё ресурслари ва қишлоқ хўжалик

янги иш жойлари ҳамда замона-вий мутахассисликлар ташкил этилишига, импорт ўрнини бо-сувчи маҳаллий маҳсулотлар ҳаж-мининг ошишига асос бўлади. Шу билан бирга, маҳаллий хо-машёлар асосида экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқариш им-конияти кенгайди.

Умар Рашидов, тарих фанлари номзоди, доцент:

— Ғиждувонга кўплаб сайёх-лар, эл эътиборидаги олимлар, шоир ва ёзувчилар келишган. Мустақиллик йилларида бу аян-ана янада кучайди. Ғиждувон айни чоғда халқимизнинг узок ўтмишидан ҳикоя қилувчи тари-хий обидалари, меъморилик ёдгорликлари, ўзига хос қадим аёнчалари билан кишини ҳай-ратга солади.

Ғиждувон муҳим транспорт йўли ёқасида жойлашган. Шаҳар 10 дан зиёд тарихий-меъморий обидалари, жумладан, Абдуллоҳ Ғиждувоний масжиди ва мақба-раси (XII аср), Улугбек мадраса-си (1432 — 1433), Тошмасжид ва Дехқонобод хонақоси (XV — XVI

асрлар), Хожа Соктаре масжиди (VII аср), Чорсу масжиди билан ҳам машҳурдир.

Бу ерда эркин иқтисодий зона-нинг ташкил этилиши бутун дунё сайёхлари, ишбилармону олимлар эътиборининг Ғижду-вонга жалб этилиши, демакдир. Шунинг учун ҳам Президентимиз тегишли фармони ғиждувонлик-лар томонидан катта қувонч би-лан қутиб олинди. Одамларимиз ушбу фармон ортида эркин ке-лажакни, тўкин ҳаётни ҳис этиш-моқда.

— Ғиждувон эркин иқтисодий зонасининг ташкил этилиши ту-ман иқтисодиётида, айниқса, озиқ-овқат, энгил саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари-ни қайта ишлаш, қурилиш мате-риаллари ишлаб чиқариш, ма-шинасозлик ва автомобилсоз-лик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида самара-ли меҳнат қилаётган тадбиркор-ларни жуда мамнун этди, — дей-ди «Бухоро Файз Текстиль» масъулияти чекланган жамия-т раҳбари Мустақим Тўхтаев. — Бундай қулай имкониятдан унумли фойдаланиш мақсадида қиймати 12 миллион долларга тенг ип-калава ҳамда ип-газла-ма ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга оширишни ният қилиб, «Ғиждувон» ЭИЗ маъмуриятига мурожаат қилдим. Шу асосда менга 2,4 гектар ер майдони аж-ратилди. Лойиҳа қувватига кўра, биринчи босқичда бир йилда 2000 тонна ип-калава ишлаб чи-қарилса, иккинчи босқичда 8,0 миллион кв.метр ип-газлама ишлаб чиқариш имконияти ту-гилади. Ушбу лойиҳа асосида 180 янги иш ўрни барпо этила-ди.


Мухтасар қилиб айтганда, Ғиждувон эркин иқтисодий зона-си ҳудудда ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш ўринлари ташкил этиш, пирова-рдида аҳолини барқарор даромад манбаи билан таъминлашга хиз-мат қилади.

Бу эса миллий иқтисодиёти-мизнинг барқарор тараққиётини, юртимиз равнақи, халқимиз фар-вонлигини таъминлашга муно-сиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Обиддин МАХМУДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РАНГ-БАРАНГ ДУНЁ

ҚУЁШ
ТИЗИМИДАГИ
энг қадимий сайёра маълум
бўлди



Астрономларнинг маълум қилиши-ча, Юпитер сайёраси Қуёшдан атиги миллион йил кейин шаклланган экан. Тахминан 4,6 миллиард йил ав-вал газ ва чангли гигант булутдан Қуёш тизими ҳосил бўлган.

Буни олимлар дастлаб метеорит-лар ёшини улардаги молибден ва вольфрам изотопларини таҳлилига асосан аниқлаб олишди.

Тадқиқот натижаларига кўра, тах-минан миллион йиллар илгари пай-до бўлган космик чанг диски иккига ажралган. Ушбу икки манбанинг би-ридан Юпитер сайёрасининг ядро-си шаклланган. Ўша пайтдаёқ Юпи-тернинг ҳажми анча катта бўлган, деб ҳисоблашади олимлар.

Кейинчалик унинг ўсиш суръати секинлашди ва бир неча миллион йилдан сўнг Ердан 50 баробарга кат-талашди. Ҳозирга келиб, Ердан 318 баробар каттадир.

ТҶЙИБ УХЛАМАСЛИК

соғлиқка зарар қилмайди



Тўйиб ухлай олмаслик бугунги кунда кўпчилигимиз учун одатга ай-ланиб қолди. Вақтимиз ўта тигиз бўлгани сабабли биз аста-секинлик билан уйку миқдорини камайтира бошладик.

Ҳозирда олимлар томонидан ўқа-зилаётган тажрибалар саломатлик яхши бўлиши учун авваллари айтилган-нидек 8 соат ухлаш шарт эмаслигини кўрсатмоқда. Сан-Диегодаги тажриба кишига 4 соатлик уйку кифоя қилиши-ни кўрсатган бўлса, япониялик олим-лар соғлом бўлиш учун камиди 7 соат ухлаш зарур эканлигини исботлади.

Мутахассислар фикрича, муҳими, қанча эмас, қандай ухлашдир. Агар инсоннинг фойдали иш коэффици-енти паст бўлса, у ҳолда 10 соатлик уйку ҳам камлик, аксинча ушбу кўрсаткич энг юқори бўлса, 5 соат уйку ҳам кифоя қилиши мумкин.

КУЧЛИ ЁМФИРЛАР

оқибатида ҳалок бўлганлар
сони 130 нафардан ошди



Охири кунларда Бангладеш жа-нуби-гарбида давом этаётган кучли ёмғирлар ва унинг оқибатида со-дир бўлган кўчклардан ҳалок бўлганлар сони 134 нафарга етди.

Кучли ёмғирлар 12 июнь тонгда Банг-ладешнинг жануби-шарқий қисмида бошланган. Ёмон об-ҳаводан кўпроқ Ран-гамати ва Бандарбан округлари аҳоли-си кўпроқ жабр кўрган. Офат натижаси-да ҳудудларда алоқа тизими ҳамда транспорт ҳаракати издан чиққан.

Маълумотларга кўра, табиий офат юз берган туманларда қутқа-рув ишлари амалга оширилиб, ма-ҳаллий аҳоли уйларида эвакуация қилинмоқда. Ҳукумат қурбонлар сони ошишидан хавотир билдирмоқ-да. Ҳозирда қутқарувчилар офат до-мида қолган олис ҳудудларга етиб бориш чораларини кўришмоқда.

Бангладешда муссон ёмғирлари мавсуми июндан сентябргача давом этади.

Интернет материаллари
ассосида тайёрланди.

Эркин иқтисодий зона мамлакат ҳудудининг бир қисми бўлиб, унга келтирилган товарлар божхона чегарасидан ташқарида, деб ҳисобланади.

Тадбир

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида Фан ва технологиялар агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг матбуот хизмати раҳбарлари, Маданият вазирлиги маъсул ходимлари, Ўзбекистон давлат консерваторияси, Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Миллий рақс ва хореография Олий мактаби етакчи профессор-ўқитувчилари, иктидорли ёшлар иштирок этди.

ЁШЛАР
МАЪНАВИЯТИНИ
ЮКСАЛТИРИШ
ЙЎЛИДА

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2016 йил 14 сентябрда имзоланган биринчи қонун айнан «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонун бўлди, — дейди Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг илмий ишлар бўйича проректори Гўзал Холиқова. — Шундан келиб чиққан ҳолда, институтимизда ёшларнинг интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган илмий, маънавий-маърифий тадбирлар кенг қўламда амалга ошириляпти.

2014-2017 йиллар мобайнида институтнинг илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантиришга қаратилган «Баркамол авлодни тарбиялашда санъат ва маданият соҳаларининг илмий, амалий, услубий усулларини татбиқ этиш» мавзуси остида давлат илмий техника дастурлари доирасида амалий лойиҳа бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилди.

Бугунги кунда институтда 10 дан ортиқ халқаро шартномалар имзоланган. Шунингдек, Бельгия давлатидаги UNICA ташкилоти билан TEMPUS-IV дастурининг 6-танлов доирасида «Ўзбекистон олий таълим муассасаларида докторлик таълимнинг сифатини ошириш — «UZDOC» халқаро лойиҳаси доирасида имзоланган шартномага мувофиқ 3 йиллик илмий-услубий изланишлар натижасида институтда «Докторлик таълими маркази» ташкил қилинган ва техник жиҳозлар билан таъминланган.

— Сўнгги беш йилда институт профессор-ўқитувчилари томонидан 20 дарслик, 65 ўқув қўлланма, 26 монография яратилди, — дейди театр санъати факультети декани муовини, доцент Зиёдулло Исоқов. — 26 илмий-назарий ва амалий конференция материаллари тўплам ҳолда нашрдан чиқарилди. ОАК эътироф этган республика ва халқаро журналларда чоп этилган мақолалар сонининг кўпайгани ҳам институт рейтингини оширди.

Ёш тадқиқотчиларнинг битирув малакавий ишлари, магистратура, таянч докторантура ва докторантурада тайёрланган диссертациялар сифатини кўтариш, илмий ва амалий аҳамиятини ошириш, ёшларнинг ижодий ҳамда интеллектуал салоҳиятини намоён этишда муайян тизим йўлга қўйилган.

Тадбирда санъатнинг турли йўналишларида олиб борилаётган илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ишлар тўғрисида батафсил маълумот берилди. Юксак маънавият, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш, соҳани чуқур илмий тадқиқ этиш таълим муассасаси зиммасидаги асосий вазифа экани таъкидланди.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Абдусалим МАХМУДОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК

оила мустаҳкамлигига хизмат қилади

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларида репродуктив саломатлик тушунчасига қуйидагича таъриф берилади: Аёлларнинг ҳомиладор бўлиши ва фарзанд кўриши, эр-хотин ўртасидаги соғлом муносабат, ҳомиладорлик ва туғиш хавфсизлиги, боланинг яшаб кетиши, онанинг саломатлиги...

Бир сўз билан айтганда, репродуктив саломатлик инсоннинг, оиланинг, жамиятнинг умумий саломатлиги белгиси, кўрсаткичидир.



Тиббиёт ходимларининг таъкидлашича, соғлом оилада соғлом бола туғилади. Аёл саломатлигининг ёмонлиги нафақат ўзининг имкониятлари ва репродуктив потенциалига, балки, унинг фарзандига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Демак, аёл саломатлиги жуда катта ижтимоий масала ҳисобланади. Бундан кўз юмиш ёки эътиборсизлик қилиш нохуш ҳолатларни келтириб чиқаради. Она ва бола саломатлигини сақлаш йўлида ташланган ҳар бир қадам, сарфланган маблағлар бу келажақ авлодларни соғлом, баркамол бўлишига йўналтириладиган инвестициядир.

Репродуктив саломатликни ташкил қиладиган аспектларга қуйидагилар киради. Репродуктив саломатликни болалик ва ўсмирлик даврларида сақлаш, эр-хотиннинг бир-бирига соғлом муносабатда бўлиши, туғилишни бошқаришнинг самарали усулларининг имконияти ва мақбуллиги, ҳомиладорлик соғлом кечиши ва бола туғилиши, репродуктив тезис касалликларни профилактикаси ва даволаш ҳамда климатик ҳолатларни мейёрга кечиши кабилардир.

Бу талаблар қуйидаги мезонларда ҳам ўз ифодасини топади: қутилган ва соғлом бола туғиш; аёл ва эркекнинг жисмоний ва психик саломатлигини сақлаш; болалар ва оналар ўлимини камайтириш; она-бола муносабатларини яхшилаш; оилада эр-хотин ўртасида уйғунликка эришиш шулар жумласидандир.

Бир қатор мамлакатларда ногирон болаларни даволашга сарфланган маблағ аксинча, соғлом фарзандларни дунёга келтириш муаммоларини ҳал этишга харажат қилинади. Шунингдек, абортлар сонини камайтириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини доимий назорат қилиш, бу борадаги жаҳон тажрибасини ўрганиш низоҳатда муҳим ва зарур эканлигини бугун даврнинг ўзи талаб этмоқда.

Она ва бола тақдирига ғамхўрлик қилувчи ҳар бир шахс — ушбу йўналишда амалиётга жорий қилинаётган лойиҳалар билан яқиндан танишиши ва уларнинг моҳиятини тушуниб етиши лозим.

Она ва бола тақдирига ғамхўрлик қилувчи ҳар бир шахс — ушбу йўналишда амалиётга жорий қилинаётган лойиҳалар билан яқиндан танишиши ва уларнинг моҳиятини тушуниб етиши лозим.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, 18 ёшгача бўлган ва 35 ёшдан кейинги ҳомиладорлик она ва бола саломатлигига бўлган хавфни оширади.

Она ва бола соғлигини асраш учун туғуруқлар ораси 2 йилдан кам бўлмаслиги зарур. Афсус билан айтиш керакки, ҳар йили ер юзида тахминан 530 минг аёл ҳомиладорлик ва туғиш даврида ҳаётдан кўз юмади. 16 миллионга яқин аёлда ногирон гўдак туғилишига сабаб бўлувчи жиддий муаммолар содир бўлади.

Мамлакатимизда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар тиббиёт соҳасига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар бунинг яққол далилидир. Аҳолининг турмуш маданиятини юксалтиришга қаратилган, соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи лойиҳаларнинг амалга оширилиши халқимиз тиббий маданиятини янада ўстиради ҳамда соғлиги ва келажаги учун биринчи навбатда ўзи қайғуриши кераклигини англайди.

Фарзандининг соғлом бўлиши ва баркамол ўсиши

Шаҳноза РОЗИҚОВА,
Нуробод тумани ФХД
бўлими мудири.

Реклама



ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует

- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
- Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м³.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.
- Автогудронаторы — 6, 8 м³.
- Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент.
Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

Бандлик

769
БИТИРУВЧИ
ИШГА
ЙЎЛЛАНМА
ОЛДИ

Вилоят ҳокимлиги, вилоят бандлик бош бошқармаси, прокуратура ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг ҳаётда ўз муносиб ўрнини топишига кўмаклашиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Жорий йилда вилоятдаги 80 касб-хунар коллежини 26 мингдан зиёд ёш мутахассис битирмоқда. Ярмаркада 734 корхона-ташкilot ва муассаса томонидан 5 мингдан ортиқ бўш иш ўрни таклиф этилди. Иштирокчилар иш беришчи субъектлар учун зарур бўлган мутахассислар, ишчи-ҳодимларга яратилган қулайликлар ҳақидаги маълумотлар билан танишди.

— «Бухоро таъмир» маъсуляти чекланган жамиятидаги иш шaroити, тажрибали усталар меҳнат қилаётгани менга маъқул бўлди, — дейди Бехруз Наимов. — Ушбу корхонада чилангар сифатида ишлаш учун йўлланма олганимдан хурсандман.

Ярмаркада 769 битирувчи ишга йўлланма берилди.

Э.ЭДГОРОВ,
ЎЗА муҳбири.

Таэквондо
ТАЭКВОНДОЧИ-
ЛАРИМИЗНИНГ
МЕДАЛЛАР
ШОДАСИ

Мамлакатимиз таэквондочилари Қозоғистонда ўтказилган халқаро турнирда муваффақиятли қатнашиб, 7 олтин, 2 кумуш ва 5 бронза медални қўлга киритди.

Таэквондо (ITF) бўйича ўтказилган халқаро турнирнинг турли йўналишларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Владимир Ли икки мартаба шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган бўлса, Евгений Ким ва Севги Мансурова биттадан олтин ва бронза медални қўлга киритди. Шунингдек, яқма-яқма беллашуларда Вадим Мун, Андрей Ким, Слава Пак ўз вази ва ёш тоифаларида биринчи ўринни эгалладилар.

Александр Четвериков ҳамда Евгений Ким кумуш медаль билан тақдирланган бўлса, Владислав Мамаев, Сергей Нам, Лун Дай каби спортчиларимиз бронза медалига сазовор бўлди.

14 медални қўлга киритган Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Ж.ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА муҳбири.

БУГУН	Об-ҳаво маълумоти	(°C)
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+38/+23	
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+41/+25	
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+40/+23	
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+41/+25	
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+38/+23	
Тошкент шаҳри	+37/+20	

Газетанинг навбатдаги сони 20 июнь, сешанба кунни қиқади.



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV	Muslihiddin MUHIDDINOV	Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Ulug'bek VAFOYEV	Ochilboy RAMATOV	Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)
Saidkamol XODJAYEV		

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan, 2007-yl 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etildi.
Korxonone manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 638
14456
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 21:20
Topshirigan vaqti — 22:10

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Obiddin MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5